O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2009 йил 29 декабрь, № 250 (4913) Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОВОЗ БЕРДИ

**2009 йил 27 декабрь куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасида овоз берди.

— Бугун ўтказилаётган сайловда, албатта, тенглик, хаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилинади, деб ишонаман, — деди Президентимиз. — Сайлов — бу ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз беришдир. Сайловда қатнашиш билан ҳар биримиз нафақат Конституциямизда кафолатланган овоз бериш ҳуқуқимиздан фойдаланамиз, айни пайтда фуқаролик бурчимизни чуқур англаган ҳолда ўзимиз, фарзандларимиз, Ватанимиз тақдири олдида масъул эканимизни янада теранроқ тушуниб етамиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайлов тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

— Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланганини ва сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишининг далолатидир, — деди Ислом Каримов. — Халқимиз бугунги сайлов олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилишини яхши билади. Сайловчи нафақат ўзи танлаган номзодга, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз бермоқда, партиянинг ғояларига ишонч билдирмоқда. Шундай экан, ҳар қайси партия ўз зиммасига қандай масъулият олаётганини яхши англамоғи лозим. Халқнинг ишончини оқлай олмаган партия ўз-ўзидан сиёсий майдондан чиқиб кетади. Шу маънода, бугунги сайлов сиёсий партиялар учун муҳим синов, жиддий имтиҳондир.

Давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, кўплаб мамлакатларни оғир аҳволга солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чоралар хусусида тўхталди.

— Ўзбекистон танлаган йўл нақадар тўғри ва ҳаққоний эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш йўлини танладик, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёда юзага келган мураккаб экологик вазият ҳақида сўз юритди. Орол муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу йўлда амалий ишлар, натижалар керак, деди Ислом Каримов. Шу боис мамлакатимизда фаолият юритаётган экологик ҳаракатлар бирлашди. Мамлакатимиз парламенти қуйи палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 ўрин ажратилди.

Биз ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадлар билан яшаяпмиз. Бугунги сайлов ана шу эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**В. ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Данияр Усеновни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни Қирғизистон Бош вазири лавозимига тайинлангани муносабати билан қутлаб, Ўзбекистон — Қирғизистон ҳукуматлараро комиссияси мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон делегациясининг бундай таркибда Тошкентга ташрифи ўзаро муносабатларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларини конструктив асосда оптималлаштириш зарурияти икки томонлама ҳамкорликда устувор аҳамиятга эга. Жумладан, қўшни мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий сув ва энергетика мувозанатини таъминлашга доир халқаро мустақил экспертизани ўтказиш ўта муҳимдир. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Учрашувда Данияр Усенов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — Қирғизистон ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро манфаатдорликка асосланган икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ,**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ**
**олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЧУҚУРЛАШТИРИЛИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

**2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди.**

***28 декабрда сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов қайд этдики, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.***

Мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчиларга маълум қилиндики, дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 15 миллион 108 950 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 87,8 фоизини ташкил этади. Шундай қилиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига биноан, парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 96 та сайлов округида депутат сайланди. Қонунчиликка биноан, қолган 39 та сайлов округида икки ҳафталик муддатда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод учун қайта овоз бериш ўтказилади.

Сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Ижроия қўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қонунчилик палатасига мазкур ҳаракатдан 15 нафар депутат сайланди.

Матбуот анжуманида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган барча демократик норма ва принципларга тўла мос ҳолда ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

*Кузатувчилар миссиялари:*

## ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ДЕМОКРАТИЯ, ЭРКИНЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида 28 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Кузатувчилари миссияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) Кузатувчилари миссияси ва Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Кузатувчилари миссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов мониторинги натижалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказилди. Уларда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.***

Матбуот анжуманларида миссияларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича кузатуви натижаларига оид баёнотлари ўқиб эшиттирилди.

Уларда баён этилган хулоса ва фикрлар миссияларнинг ўз кузатувига, сайлов кампанияси мониторинги жараёнида тўпланган материаллар ва маълумотлар таҳлилига асосланганини таъкидланди. Миссиялар вакиллари сайловни бемалол кузатиш ва зарур ахборотларни олиш имко-

(Давоми 3-бетда).

**Пойтахтимизда 28 декабрь куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Қирғизистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг қатор вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.**

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Мажлисда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ҳукуматлараро комиссия мажлиси яхши қўшничилик асосидаги муносабатларимизни барча йўналишларда янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Қирғизистон Бош вазири Данияр Усенов ўз мамлакати ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан муносабатларни кенгайтириш устувор йўналиш саналишини, ушбу мажлис икки давлат ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг ифодаси эканини қайд этди.

Ўзбекистон — Қирғизистон савдо-иқтисодий муносабатлари жадал ривожланмоқда. Мажлисда таъкидланганидек, 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 44 фоиз ўсиб, 265 миллион АҚШ долларини ташкил қилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу борадаги кўрсаткич 140 миллион долларга етган. Албатта, икки мамлакатнинг салоҳияти бу билан чекланмайди. Тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби қатор соҳаларда кўплаб ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

Мажлисда ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинди, истиқболда ҳамкорликни ривожлантириш вазифалари белгилаб олинди. Жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, транзит соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

## ДЕМОКРАТИЯ, МУҚОБИЛЛИК ВА ОШКОРАЛИК НАМОЙИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 27 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юзга яқин кузатувчилар бевосита кузатиб борди.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимизнинг сайлов тизими, парламент сайловига тайёргарлик, овоз бериш жараёни ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.***

### Сўз — халқаро кузатувчиларга

**Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби, МДҲ кузатувчилари миссияси раҳбари:**

— Сайлов жараёнларини кузатиш давомида Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бўлдим. Айтишим жоизки, Ўзбекистон Республикаси парламенти сайловига ҳар томонлама пухта ва изчил тайёргарлик кўрилган. Ўзбекистонда фуқаролар сайлов ҳуқуқининг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга тўла жавоб бера оладиган сайлов тизими яратилган.

Ўзбекистоннинг сайловга оид барча қонунлари халқаро меъёрларга мос келиши билан бир қаторда, айрим мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатларидан мукаммаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Экологик ҳаракат ташкил этилиши ва унга Олий Мажлис қуйи палатасида 15 депутатлик ўрнининг берилиши мамлакатингизда экологик вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларга ёрқин мисолдир.

Сайлов барча демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора тарзда ўтганига гувоҳ бўлдим. Сайловчилар овоз бериш жараёнида фаол иштирок этди. Участкаларда сайлов юксак даражада ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодлар билан учрашиб, уларнинг сайловолди дастурларини ўрганиб чиқдик. Номзодларнинг дастурларида мамлакат истиқболига хизмат қиладиган кўплаб жиҳатлар ва йўналишлар ўз ифодасини топган. Дастурлардаги йўналиш ва устуворликларнинг бундай ранг-баранглиги улар ўртасидаги соғлом рақобат ва ўзига хосликни янада кучайтиради. Муносиб номзодларнинг сайланиши Ўзбекистонни янада равнақ топтириш, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**Дато Хожи Ван Аҳмад бин ВАН ОМАР, Малайзия сайлов комиссияси раисининг ўринбосари:**

— Тошкент шаҳридаги бир нечта сайлов участкаларида бўлиб, парламент сайлови жараёнларини диққат билан кузатдим. Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этаётгани мени қувонтирди. Сайлов жараёнларида кўплаб халқаро кузатувчиларнинг қатнашаётгани мамлакатингизда демократияни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Мен Ўзбекистонга сайловдан уч кун олдин келган эдим. Шу боис сайловолди кампаниясини бевосита ва батафсил кузатиш имкониятига эга бўлдим. Тайёргарлик жуда юқори даражада ташкил этилган. 27 декабрь куни эрта тонгда Тошкент шаҳридаги 160-сайлов участкасида бўлдим. У ер сайловчилар билан жуда гавжум эди. Сайловчилар учун яратилган қулай шарт-шароит, участкадаги тартиб ва хушмуомалалик менга жуда маъқул бўлди.

Сайлов участкалари зарур жиҳозлар билан таъминлангани — овоз бериш кабиналари, сайлов варақаларини ташлаш учун шаффоф қутилар ва бошқа жиҳатлар сайловчилар учун яратилган қулай шароит ва кенг имкониятлардир. Барча овоз берувчилар номзодларнинг дастури, сайловга оид бошқа маълумотлардан етарлича хабардорлиги сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилганининг тасдиғидир.

**Ҳамди АБУЛАЙНАЙН, Миср савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари:**

— Ўзбекистонда сайлов жараёнида демократия ва ошкораликни таъминлаш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Мен, айниқса, ўзбек ёшларининг ҳар жабҳада фаоллик кўрсатишга бўлган интилишидан қувонаман. Улар замонавий технологияларни чуқур билади, илмли, бир неча тилларда сўзлаша олади.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган экология муаммоларининг ечимини топишда турли ташаббуслар илгари сурилмоқда. Миллий ва халқаро миқёсда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари учун 15 депутатлик ўрни ажратилгани экологик тангликни бартараф этишда илгари сурилаётган улкан ташаббус, деб ўйлайман. Барча жабҳада бўлганидек, экология соҳасида ҳам табиат билан инсон муносабатини тартибга солишда қонунлар муҳим ўрин тутади. Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар келгусида бу борадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга, иқтисодий механизмларни ривожлантиришга муносиб улуш қўшади, албатта.

**Манабу ШИМИЗУ, Тайкё университети профессори (Япония):**

— Мамлакатингизга кўп марта келган бўлсам-да, сайлов жараёнларида илк бор кузатувчи сифатида иштирок этяпман. Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан танишиб чиқдим. Айтишим жоизки, мазкур қонуний ҳужжатлар ва унга киритилган ўзгартиришлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган барча зарур жиҳатларни қамраб олган.

Мамлакатингиз тўғри ва аниқ мақсадга йўналтирилган тараққиёт йўлини танлаган. Ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, юртингиз халқаро молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекмади.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЧУҚУРЛАШТИРИЛИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий сайлов комиссияси раиси таъкидлаганидек, қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмаган.

Сайлов — кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий соҳаларнинг изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг самарали, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган асоси яратилди. Сайловнинг очиқлик, ошкоралик ва адолат каби тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган.

Бу галги сайловнинг ўзига хослиги шундаки, у сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда ўтказилди. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кенгайди ва мустаҳкамланди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг амалга оширилиши кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига улкан таъсир кўрсатди. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошди.

Миллий қонунчиликка кўра, сиёсий партияларга, улар тавсия этган депутатликка номзодларга сайловолди кампаниясини олиб боришда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, уларга ўз сайловолди дастурлари моҳиятини етказишда, оммавий ахборот воситаларида сайловолди тарғиботини олиб боришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди.

2009 йилги сайловни қонунчилик талаблари асосида, юксак демократик савияда ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция қабул қилинди. Қонунчиликда ва концепцияда белгиланган барча учун бир хил сайлов меъёрлари ва талаблари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибига сайлов кампанияси давомида тўлиқ амал қилинди.

Сайловнинг демократиклиги, бу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик тамойилларига асосланган аниқ, уюшган фаолияти орқали таъминланди. Барча 8447 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютерлар ва ташкилий техника, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланди. Ҳудудларда округ ва участка комиссиялари аъзолари учун ўқув-семинарлари, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралиги маҳаллий ва хорижий кузатувчилар иштирокини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов мониторинги 36 давлатдан ва тўрт халқаро ташкилот — ЕХҲТ ДИИҲБ, МДҲ, ШҲТ ва ИКТ миссияларидан 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партияларнинг 30 мингдан зиёд кузатувчилари ва 30 мингдан зиёд ваколатли вакиллари томонидан таъминланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 630 дан ортиқ вакили қатнашди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси маълум қилганидек, ҳозир Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи — Конференцияси томонидан тақдим этилган баённомаларни ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, зарур ҳолларда — айрим сайлов участкалари комиссиялари материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиклаб текширилади. Фақат шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов натижалари тўғрисида қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайлов натижалари тўғрисидаги хабар ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг 10 кунлик муҳлатдан кечиктирилмай матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида иштирок этган мамлакатимиз ва хорижий журналистлар 2009 йилги сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов юксак ташкилий савияда, демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказилди. Бўлиб ўтган сайлов электорат фаоллиги ошганлигидан, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий етуклигидан далолат беради.

27 декабрда халқимиз жонажон Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Ватан тараққиётига йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан олға одимлаётганлигини яна бир бор намойиш этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



А. КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

# ДЕМОКРАТИЯ, МУҚОБИЛЛИК ВА ОШКОРАЛИК НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистоннинг ташқи қиёфаси, структураси ва одамлари замонавийлашиб бораётганига қарамай, бу юрт аҳолиси ўз миллий маданияти ва қадриятларини сақлаб қолган. Бундай ҳолат бошқа юртларда камдан-кам учрайди. Сайлов жараёнларининг самарали ўтиб, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшувчи муносиб номзодларнинг сайланишига ишонаман.

**Кис ЛАДАЖ, “Фонтис” университети профессори (Нидерландия):**

— Ташрифим давомида қатор сайлов участкаларида яратилган қулайликлар билан танишишга муваффақ бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сонининг 120 тадан 150 тагача оширилгани мамлакатингизда кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистоннинг сайлов жараёнларида сиёсий партиялар учун тенг имкониятлар яратилгани мамлакатингиз сайлов тизимининг демократик тамойилларга асосланганидан яна бир далолатдир. Биз, кузатувчиларга сайлов жараёнида қулай шароит яратилгани учун Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясидан миннатдормиз.

**Алексей ШЕРСТБОЕВ, “Украина форуми” ижтимоий-сиёсий бирлашмасининг етакчи эксперти (Украина):**

— Бухоро ва Навоий вилоятларидаги айрим сайлов участкаларини бориб кўрдим. Сайловга тайёргарлик ишлари юксак савияда ташкил этилган. Сайловчилар учун барча шароит яратилган. Сайлов участкалари аҳоли учун қулай жойларда жойлашгани, барча замонавий технологиялар билан таъминлангани, зарур ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт, она ва бола хоналари бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистонда парламент сайловига пухта тайёргарлик кўрилган.

**Жан-Пол ФУРНИЕ, Франция илмий тадқиқот миллий марказининг тадқиқотлар гуруҳи директори:**

— Ўзбекистонда сайлов тизимининг замон талаблари асосида тўла шаклланган, сайлов тўғрисида халқаро нормаларга жавоб берадиган қонунлар ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилаётгани суверен давлатнинг улкан ютуғидир. Сайловчиларнинг эркин, яширин овоз бериши учун барча шароитлар яратилган. Буни мен пойтахтингиздаги бир қанча сайлов участкалари мисолида кўрдим.

Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилгани партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг демократик янгиланиш жараёнларидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

**Айдин АББОСОВ, Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати:**

— Мен Тошкентдаги 166-сайлов участкасига эрта тонгда келганимда, у ер сайловчилар билан гавжум эди. Халқингизнинг, эрта бошланган иш хайрли бўлади, деган тушунчага амал қилиши, сайловчиларнинг эрталабдан жуда фаоллиги мени жуда қувонтирди. Сайловлар жараёнини диққат билан кузатар эканман, у демократиянинг барча тамойилларига тўлиқ мос келишига ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатингизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайганлиги келажакда юксак самаралар беради. Буни кўп партиявийлик асосида ўтган мазкур сайловлар ҳам кўрсатиб турибди.

Юртингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишни таъминлаш учун барча шарт-шароит, ҳуқуқий асослар яратилган.

Сайлов участкаларига кела олмайдиган ногиронлар, беморлар ва кексалар учун ҳам қулайликлар яратилгани, сайлов участкаларида ёш болали сайловчилар учун алоҳида хоналар ташкил қилингани мамлакатингизда инсон манфаатларини ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Мазкур парламент сайлови ғоят самарали бўлиб, халқ ўзи истаган ва ишонган муносиб номзодларни сайлаганига ишонаман.

Мамлакатингизга ҳар келганимда, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Ўзбекистондаги миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган меъморий обидалар, маданий ёдгорликларни зиёрат қилиб, маънавий озуқа оламан. Юртингизнинг гўзал табиати, боғу роғлари, кенг ва файзли кўчалари кишига улкан завқ бағишлайди. Ўзбекистонга бир марта келган киши яна қайтиб келиш истаги билан яшайди.

**Эли КРАКОВСКИЙ, Жанубий ва Марказий Осиё хавфсизлиги масалалари бўйича эксперт, Ж. Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти катта илмий ходими (АҚШ):**

— Эрта тонгдан Тошкентдаги 545-сайлов участкасига келиб, Ўзбекистон Республикаси парламенти сайлови жараёнларини диққат билан кузатдим. Ҳали барвақт бўлишига қарамай, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этаётгани мени ғоят қувонтирди. Бу уларнинг мамлакат тақдирига бефарқ эмаслигидан далолат.

Юртингизда сайлов жараёнлари демократик тамойиллар, кўп партиявийлик ва муқобиллик асосида, очиқ ва ошкора руҳда ўтаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Сайлов участкаларида сайловчилар ва кузатувчилар учун барча қулай шароитлар яратилган, жумладан, зарур ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт ҳамда она ва бола хоналари ташкил этилган. Бошқа мамлакатларда ўтказиладиган сайловларда бундай юксак савиядаги ташкилий ишлар камдан-кам учрайди. Депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва тарғибот-ташвиқот дастурлари ўзига хос ва турли йўналишларни ўзида мужассам этган. Номзодларнинг дастурлари билан сайловчиларни яқиндан таништириш мақсадида жамоат жойларида — кўчалар, дўконлар, шифохона ва мактаблар каби турли муассасаларда плакатларнинг осиб қўйилгани юртингизда сайлов жараёнларининг демократик руҳда ўтаётганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистоннинг турли сиёсий партияларидан юзлаб номзодларнинг қатнашиши сайловчиларнинг танлаш имкониятини оширишга хизмат қилади. Депутатликка номзодлар ичида ўнлаб хотин-қизлар вакилларининг борлиги мамлакатингиз сайлов тизимидаги ютуқлардандир. Бу Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир. Мамлакатингизда бу борада эришилган ютуқларга ҳавас қилса, арзийди.

**Крунс ХЕЛМУТ, “КРК” қурилиш-саноат компанияси раҳбари (Австрия):**

— Ўзбекистон Республикаси парламенти сайлови очиқ-ошкора, кўп партиявийлик, миллий қонунчилик доирасида ва жаҳон андозаларига мос равишда ўтди. Бунга мен Тошкентдаги 125-сайлов участкасида сайлов жараёнини бевосита кузатиб бориш асносида амин бўлдим. Бу жамиятингизда адолат устувор эканидан далолатдир. Сайловчиларнинг эрта тонгдан овоз беришга фаол киришгани, улар учун яратилган кенг ва қулай шарт-шароит, участкадаги тартиб, хайрихоҳлик ва хушмуомалалик менга жуда маъқул бўлди. Буларнинг барчаси фуқароларнинг мамлакат тараққиёти учун масъулиятни ҳис этишидан далолатдир.

Сайловларнинг юқори савияда ўтишида Ўзбекистон фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Бу ёшлар онги-шуурида демократик қадриятларни шакллантиришга катта ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт соҳасида улкан ютуқларга эришди. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб, юртингизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ошмоқда. Бу мамлакатингизнинг танлаган миллий тараққиёт йўли ғоят тўғри эканига яна бир ёрқин мисолдир.

**Станислав МАКАРЕНКО, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ мамлакатлари департаменти бўлим бошлиғи:**

— Тошкент шаҳридаги кўплаб сайлов участкаларида сайлов жараёнини кузатишга муваффақ бўлдим. Шу жараёнда Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги, халқаро меъёрлар ҳамда демократик тамойилларга зид бирор ҳолат ва ҳаракатга кўзим тушмади. Дам олиш куни бўлишига қарамай, мамлакатингиз аҳолиси сайлов жараёнларида фаол иштирок этаётганини кўрдим. Ота-оналар фарзандлари билан келиб, фуқаролик бурчини адо этгани қувонарли ҳол. Бу эса, албатта, ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш баробарида, сайлов тўғрисидаги билимини янада бойитишга хизмат қилади.

Сайлов жараёнини кузатишда ўнлаб мамлакатлар, кўплаб халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этганининг ўзи парламент сайлови очиқ, ошкора, одилона ва халқаро нормаларга мос тарзда ўтганини тасдиқлайди.

**Абдулраҳмон АЛ-СЕҲАЙБАНИ, Саудия Арабистони Валюта агентлиги раҳбари:**

— Ўзбекистонда сайлов жараёнларида кузатувчи сифатида биринчи марта иштирок этмоқдаман. Кузатувларим натижасида ушбу сиёсий тадбирга мамлакатда жуда катта тайёргарлик кўрилганига амин бўлдим. Участкаларда сайлов юксак даражада ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Сайловчилар эмин-эркин овоз бераётганига гувоҳ бўлдим. Улар билан мулоқотим чоғида ҳеч қандай эътироз ва шикоятлар билдирилмади.

**Дун ЛУНИЗЯН, Синьхуа ахборот агентлиги вакили (Хитой):**

— Ўзбекистон фуқаролари миллий сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор экан. Ҳар қадамда — идоралар ва муассасалар, кўча-кўй, аҳоли гавжум масканларда депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурлари ҳақидаги плакатларни учратиш мумкин. Буларнинг барчаси парламент сайловининг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтишига ва сайловчиларнинг номзодларни танлаш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

**Амар Абдулраҳмон Зуннун АЛ-САНЖАРИЙ, “Ал-Баян” марказий нашриёти бюроси раҳбари (Бирлашган Араб Амирликлари):**

— Мамлакатингизда парламент сайловларини диққат билан кузатар эканман, у демократиянинг барча тамойилларига тўлиқ мос келишига ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатингизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг иштироки кучайгани демократиянинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Юртингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, қонуний манфаатларини таъминлаш учун барча шарт-шароит, ҳуқуқий асослар яратилган.

**Су Сок ХУНГ, Корея Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик федерацияси қўмитаси ҳамраиси:**

— Ўзбекистон фуқаролари парламент сайловида фаол иштирок этди. Бу уларнинг мамлакат келажагига бефарқ эмаслигидан далолатдир. Депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ва дастури билан сайловчилар атрофлича танишгани сезилиб турибди.

Бир қатор сайлов участкаларини кузатишим натижасида Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик борасида ўрнак олса арзигулик жиҳатларни кашф қилдим. Сайлов участкаларида сайловчилар учун яратилган қулайликлар — зарур ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт, она ва бола хоналари ҳамда бошқа шарт-шароит шулар жумласидандир. Бундай юксак савиядаги ташкилий ишларни бошқа мамлакатда учратмаган эдим.

Ўзбекистон — улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Юртингизда хорижлик ишбилармонлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит, кенг имконият ва имтиёзлар корейялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. Мамлакатингиз иқтисодиёти бундан кейин ҳам барқарор ривожланишига ишонаман.

**Янис УРБАНОВИЧ, Латвия Сейми “Келишув маркази” сиёсий бирлашма фракцияси раиси:**

— Парламент сайловининг юксак демократик тамойиллар асосида ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу борада кўплаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса, арзийди.

Сайлов участкаларидаги ходимларнинг тезкор ва аниқ ишлагани диққатга сазовор. Бир нечта сайлов участкаларини кўздан кечирдим, уларнинг фаолиятига ҳавасим келди.

**Абдул МАЛИК, Покистон парламенти сенатори:**

— Ўзбекистондаги ривожланиш жараёнларини диққат билан кузатиб бораман. Ўзбекистонда парламент сайловларининг ўтиши, сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун яратилган қулайликлар менда катта таассурот қолдирди. Жиззах вилоятида овоз бериш жараёнини кузатишларим асосида айтишим мумкинки, сайловлар Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро меъёрлар асосида ўтди. Мамлакат парламентидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари учун 15 депутатлик ўрнининг ажратилгани муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва ибрат олишга лойиқ.

**Аджай ПАТНАИК, Ж. Неру номидаги университет профессори (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистондаги сайлов тизими йилдан-йил такомиллашиб бораётир. Бу йилги парламент сайлови ҳам халқаро демократик меъёрлар асосида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 9-Андижон сайлов округи ва бир қатор участкаларда бўлиб, овоз бериш жараёни билан яқиндан танишдим. Барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаоллиги, айниқса, ёшларнинг кўтаринки кайфияти эътиборимни тортди. Сайловчилар муносиб номзодларга овоз бериши учун барча шароит яратилган.

Ҳар бир депутатлик ўрнига Ўзбекистондаги тўрттала сиёсий партиядан ҳам номзод кўрсатилгани сайловнинг муқобиллик ва соғлом рақобат муҳитида ўтишини таъминлади.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар, хусусан, Андижон шаҳридаги бунёдкорлик ишлари мени ҳайратга солди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур вояга етган бу қутлуғ шаҳарни зиёрат қилганимдан жуда мамнунман.

**Мурод КАРРИЕВ, Туркманистон Марказий сайлов комиссияси раиси:**

— Бир неча кундан бери сайловга тайёргарлик ишларини ва овоз бериш жараёнини кузатдим. Юқори даражадаги тайёргарлик ва фуқароларнинг ўта фаоллигини бошқа давлатларда учратиш қийин. Одатда бундай сиёсий тадбирларга баҳо берилганда, халқаро стандартлардан келиб чиқилади. Ўзбекистонда ўтган сайлов бундай стандартларга тўла жавоб беради.

Халқнинг саломатлиги, фаровонлигини кўзлаб Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилгани, бу ҳаракат вакилларидан 15 нафарига парламентдан ўрин ажратилаётгани эътиборга сазовор. Бундай ташаббус Марказий Осиё давлатлари ичидан биринчи бўлиб Ўзбекистондан чиққани ҳам табриклашга арзигулик ҳолат. Бошқа давлатлардан келган кузатувчилар мендан Туркманистонда шундай ҳаракат бор-йўқлигини сўрашди. Бу Ўзбекистоннинг ташаббуси эканлиги ва қўшни давлатлар ҳам бундан ўрнак олса ажаб эмаслигини айтдим.

Таъкидлаш жоизки, тинчлик, фаровонлик бор жойда яхши ташаббуслар бўлади. Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар бу, албатта, Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати натижасидир.

**Анатолий САВЧУК, Беларусь Республикасидаги ўзбек маданий-амалий ҳамкорлик маркази кенгаши раҳбари:**

— Бухоро шаҳридаги бир неча сайлов участкаларида бўлганимда, юртингиз ёшларининг фаоллиги эътиборимни тортди.

Илгари ҳам Ўзбекистонда бўлганман. Қисқа вақт ичида юртингиздаги шаҳар ва қишлоқларнинг янада чирой очганини кўрдим. Бу изчил ва барқарор тараққиётнинг ёрқин ифодасидир.

**Алпер ТАН, эксперт, Туркиянинг “Канал-А” телевизион канали халқаро таҳлилчиси:**

— Сайлов жараёнини кузатар эканман, фуқароларнинг эркин, яширин тарзда овоз бериши учун зарур шарт-шароит яратилганига гувоҳ бўлдим. Пойтахтингизнинг Ҳамза туманидаги 339-сайлов участкасида овоз берувчиларга яратилган қулайликлардан кўнглим тўлди. Тўғриси, фуқароларнинг бунчалик фаоллигини кутмагандим. Уларнинг юз-кўзларидаги ифодаларида ўз юртининг тараққиётига бўлган юксак ишончни ҳис этдим.

Юртингизга илк бора келишим. Тошкентнинг гўзаллиги, озодалиги катта таассурот қолдирди. Барча меъморий иншоотларда оқилона ечим ва тартиб бор. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбариятининг халқ манфаати йўлида олиб бораётган изчил ишларининг натижасидир.

**Қувондиқ ТУРГАНКУЛОВ, Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:**

— Сайловга тайёргарлик жараёнини аввалдан интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб турдим. Тошкентга келишимиз билан Марказий сайлов комиссияси, округ ва участкаларда бўлиб, тайёргарлик жараёнини ўз кўзимиз билан кўриб, ҳақиқатан ҳам, юксак даражада ташкилий ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Фуқароларнинг катта қизиқиш, кўтаринки кайфиятда овоз бераётганини кузатдим. Уларга ташқаридан бирор таъсир ёки бошқа ноқонуний ҳолатларни умуман учратмадим. Барча сиёсий партиялардан кузатувчиларнинг иштирок этаётгани ҳам сайловнинг адолатли ўтказилишида муҳим омил бўлгани шубҳасиз.

Ўзбекистонда жаҳон андозалари даражасидаги демократик сайлов тизими аллақачон қарор топган. Сайлов қонунчилигининг тобора такомиллашаётгани, жамиятда либераллаштириш сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бунга замин яратган.

**Рокко АБРАМ, “Ўзбекистон — Италия” ассоциацияси раҳбари (Италия):**

— Сайловгача Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан яқиндан танишиб, шунга амин бўлдимки, улар халқаро андозалар, демократия тамойиллари билан бирга, Шарқ халқларига хос инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига ҳам таянади. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ушбу жараёнда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган эътибор жуда қувонарли.

Юртингиз сайлов қонунчилигига кўра, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг камида ўттиз фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши белгилаб қўйилгани эътиборлидир.

Сайлов участкаларидаги тайёргарлик ҳам бизни қониқтирди. Сиёсий партияларнинг вакиллари ва кузатувчилар, журналистлар учун участкаларда барча шарт-шароитлар яратилгани, тиббий хизмат, оналар ва болалар хоналарининг ташкил этилгани эътиборимизни тортди. Бу ҳам мамлакатингизда ёш авлод камолоти, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат. Кузатувларим давомида ўрганиш лозим бўлган кўпгина жиҳатларни белгилаб олдим.

**Чан БИНЬ, “Россия, Марказий Осиё ва Шарқий Европа тадқиқотлари” журнали бош муҳаррири (Хитой):**

— Хива шаҳридаги 110-сайлов округи ва унинг таркибидаги сайлов участкаларида бўлиб, Ўзбекистонда мазкур сиёсий жараён электоратнинг юксак фаоллиги билан ўтаётганига ишонч ҳосил қилдим. Кўп партиявийлик ва муқобиллик асосига қурилган сайлов тизими халқаро демократик тамойилларга ҳар томонлама мос келади.

Шу ўринда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатлар янада ривожланишига ишонаман.

**Ширен АКИНЕР, халқаро кузатувчи (Буюк Британия):**

— Сайловни юқори савияда ўтказиш учун сайлов участкаларида барча шароит яратилганига гувоҳ бўлдик. Бу Ўзбекистонда демократик тамойилларга мос сайлов тизими шаклланганидан далолат беради.

Ҳар бир партия ўзининг сайловолди дастурига эга. Партиялар ўртасида олиб борилаётган курашни ҳалол рақобат маҳсули, дейиш мумкин. Депутатликка номзодларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятлари тўлиқ таъминлангани фуқароларнинг бу жараёнда уюшқоқлик билан қатнашишида муҳим омил бўлмоқда ва уларда демократик сайловга катта қизиқиш борлиги яққол сезилиб турибди.

Ёшларнинг сайловда фаол иштирок этаётганини алоҳида эътироф этиш керак. Улар катта қизиқиш билан овоз бераётгани юрт тақдирига, келажагига бефарқ эмаслигини англатади. Сайлов участкаларида бирон ноқонуний ҳолатга дуч келмадик. Сайловчилардан эътироз тушгани йўқ.

**Висенте Лорез-Ибор МАЙОР, “Estudio Juridico international” юридик компанияси президенти, Европа комиссиясининг давлат хариди қўмитаси аъзоси (Испания):**

— 27 декабрь куни Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдим. Сайловга барча участкаларда мақтовга сазовор даражада тайёргарлик кўрилган. Сайловчиларга жуда яхши шароитлар яратилган. 15 дан ортиқ участкада сайловчилар билан мулоқотда бўлдим. Бирорта ҳам ноқонуний ҳолатга дуч келмадим.

Сайлов участкаларининг, асосан, таълим муассасаларида жойлашганидан фойдаланиб, ўша даргоҳлар фаолияти, уларда ёшларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишдим. Айниқса, касб-ҳунар коллежларининг муҳташам бинолари, замонавий ахборот-технологиялари билан таъминлангани катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Миллий университетидаги талабаларнинг таълим олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган имкониятлар мени ҳайратлантирди. Ёшлар ҳам шундай эътиборга мос тарзда ўта фаол, мамлакат ҳаётидаги сиёсий жараёнга бефарқ эмас.

**Қуттиқадам СЕЙДАХМЕТ, “Мысль” ижтимоий-сиёсий журнали бош муҳаррири, сиёсатшунос (Қозоғистон):**

— Ўзбекистонда муҳим сиёсий жараён — парламент сайлови демократик андозаларга мос тарзда жуда муваффақиятли ўтказилди. Сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг халқ манфаатига хизмат қиладиган, аниқ мақсадга қаратилган дастури мавжудлиги, сайловчиларнинг бундан яхши хабардорлиги ва овоз берувчиларга тўкис шароит яратилгани аҳолининг бу тадбирда фаол иштирокини таъминлади.

Шу ўринда бугунги кунда жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳали барҳам топмаган бир шароитда Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи қўшни давлатларга қараганда анча яхши эканини айтмоқчиман. Президент Ислом Каримов узоқни кўзлаб, тараққиётга хизмат қиладиган ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда етти турдаги енгил автомобиль, микроавтобуслар, трактор, самолётлар ишлаб чиқарилаётганининг ўзи катта муваффақиятдир. МДҲ давлатларида юритилаётган сиёсат, уларнинг иқтисодий аҳволи ҳақида мақолалар ёзганимда, Ўзбекистонни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишга ҳаракат қиламан.

**(ЎзА).**

## Кузатувчилар миссиялари:

# ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ДЕМОКРАТИЯ, ЭРКИНЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ниятига эга бўлди. Улар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги сайлов участкаларига бориб, сайловда иштирок этган сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссиясининг Ўзбекистон Республикасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича кузатуви натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев ўқиб эшиттирди. Унда Ўзбекистонда эркин ва демократик сайловни таъминлаш учун кўрилган чора-тадбирларга юксак баҳо берилган. Мамлакатимизда шаклланган меъёрий-ҳуқуқий база сайловни юксак савияда ўтказиш имконини бериши, шунингдек, сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг эркин хоҳиш билдириши, овоз бериши ва овозларни санаб чиқиш жараёнининг ошкоралигини таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилгани қайд этилган. Ушбу баёнотга биноан қуйидаги хулоса ва баҳолар келтирилган:

"МДҲ Кузатувчилари миссияси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатда демократик сайловларни ўтказиш бўйича амалдаги сайлов қонунчилиги ва демократик нормаларга мувофиқ ўтказилди, деб ҳисоблайди;

сайлов эркин ва ошкора ўтказилди, деб эътироф этади;

сайлов фуқаролик жамиятининг сиёсий етуклик даражасини намоён этгани, сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдиришини таъминлагани, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети асослари ва демократик пойдеворини мустаҳкамлаганини қайд этади".

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан кузатув натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, ШҲТ Бош котиби ўринбосари Шерали Жононов ўқиб эшиттирди.

Хусусан, унда қуйидагилар қайд этилган:

"Миссиянинг фикрича, овоз бериш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"-ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ амалга оширилди. Умуман, сайлов участкаларида ишларнинг уюшқоқлик билан ташкил этилгани, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овоз беришда фаол иштирок этгани кузатилганини таъкидлаш жоиз.

Сайлов жараёни давомида Миссияга шикоят ва эътирозлар билдирилмади.

Миссия вакиллари сайлов участкаларида бюллетенларни санаб чиқиш ва овоз бериш якунлари бўйича тегишли баённомаларни тузишда ҳам иштирок этди. Ушбу жараёнда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бузилиш ҳолатлари Миссия томонидан аниқланмади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов эркин, транспарентлик асосида, миллий қонунчилик талаблари ва унинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ равишда ўтказилди, деб ҳисоблайди. Сайловда овоз бериш натижаларини шубҳа остига қўядиган қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмади".

Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Кузатувчилари миссияси ҳам Ўзбекистон парламенти қуйи палатасига сайлов мониторинги бўйича улкан ишларни амалга оширди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, ИКТ Бош котиби маслаҳатчиси Шукру Туфан мониторинг натижалари бўйича ўз баёнотида миссия кузатувчилари фаолияти давомида сайлов участкаларига бемалол бориш имкониятига эга бўлгани ва мамлакат фуқароларининг парламент сайловида фаоллигининг гувоҳи бўлганини таъкидлади. Миссия вакиллари борган сайлов участкаларида сайлов жараёни бузилмаганини қайд этди.

— Мен Ўзбекистон халқини сайловда фаол қатнашгани ва шу тариқа мамлакатингизда сиёсий институтлар ролини ошириш жараёнида ўзининг юқори масъулиятини ва дахлдорлигини намоён этгани билан қутлайман, — деди ИКТ миссияси раҳбари. — Ислом Конференцияси Ташкилоти Кузатувчилари миссияси номидан Ўзбекистонда сайловнинг ташкил этилишидан ва транспарентлик асосида ўтганидан қониқиш ҳосил қилганимизни билдирмоқчиман. Ушбу сайлов Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалар жадал ривожланиб бормоқда, мавжуд қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлашуви кузатилмоқда. Бу борадаги ислоҳотларнинг амалий самарасини иқтисодиётнинг, шу жумладан, ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиши, чакана товар айланмаси ҳажмининг юксалиши ҳамда аҳолининг реал даромадлари ортиб боришида кўриш мумкин. Буларнинг барчаси чакана молия хизматлари бозори тараққиёти учун ҳам пухта замин яратмоқда.***

***Таъкидлаш жоизки, аҳолининг истеъмол фаоллиги яхшиланиб бориши, жамғармаларда харажатлар улуши камайиши жисмоний шахсларнинг чакана банк маҳсулотларига бўлган талабининг кучайишига олиб келди. Ҳозирда молия муассасалари ана шу эҳтиёжни қондириш имкониятига эгадир.***

## «Ўзмиллийбанк»:

# ИШОНЧЛИ БИЗНЕСНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки чакана операциялар бозорида фаолият юритаётган республика молия муассасалари орасида етакчилик мавқеини маҳкам ушлаб турибди. Омонатчиларни кўрсатилаётган хизматлар доираси кенглиги, ҳар бир мижозга алоҳида ёндашилиши, муҳими, банкнинг ишончлилиги ва барқарорлиги ўзига жалб этмоқда. Бундан ташқари, "Ўзмиллийбанк" ҳам доимий, ҳам потенциал мижозлар учун ўз хизматларининг жозибадорлигини янада ошириш, шунингдек, аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида муттасил равишда ҳар хил депозит турларини жорий этмоқда. Жумладан, пластик карточкаларни таклиф қилаяпти, шошилинч пул жўнатмалари, сўмдаги ва "VISA" халқаро пластик карточкалари бўйича хизматларни кўрсатаяпти. Умуман, банк ҳаммаси бўлиб 70 турдан зиёд чакана хизматларни тақдим этмоқда.

Миллий банк фаолиятининг энг устувор ва жадал ривожланаётган йўналишларидан бири, бу шак-шубҳасиз, пластик карточкалардир. Ўтган ўн саккиз йиллик фаолияти давомида банк мижозлар билан самарали алоқа ўрнатгани, кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани, илғор технологиялар татбиқ этилгани ҳамда карточкаларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси жорий қилингани унга тўлов технологиялари бозорининг пешқадами, аҳолига янги банк маҳсулотларини таклиф этиш соҳасидаги новатор сифатида обрў-эътибор қозонишига имкон берди.

2009 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, "Ўзмиллийбанк" чиқарган карточкалар миқдори 1 миллион 724 минг донани ташкил этди. Мазкур молия муассасаси ҳисоб-китобларнинг ушбу замонавий турига "умумхалқ" ёки "оммавий" мақомини беришга интилаяпти. Ҳозирги вақтда банк карточкалари республиканинг 5240 дан зиёд савдо-сервис корхоналарида тўлов воситаси сифатида қўлланилмоқда. Бу корхоналар орасида озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, қаҳвахоналар, ресторанлар, авиа ҳамда темир йўл кассалари ва шу кабиларни кўриш мумкин. Савдо-сервис корхоналарида ўрнатилган терминаллар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар кўпайиб, 6100 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мутахассислари ҳар бир терминал орқали ўтаётган савдо айланмасини доимий равишда мониторинг қилиб борадилар. Шунга асосан, агарда қайсидир савдо нуқталарида улардан фойдаланиш камайса, мижозлар талаби кўпроқ бўлган савдо-сервис корхоналарига кўчириш чораларини ҳам кўрмоқдалар. Терминаллар ўрнатиладиган янги жойлар аниқланаётганда эса карточка эгаси бўлган мижозлар билан ўтказилган сўровлар натижалари, шунингдек, банк билан иш ҳақи лойиҳалари бўйича шартномалар тузган корхоналар ҳамда ташкилотлар ушбу савдо масканларига қанчалик яқинлигига эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда "Ўзмиллийбанк" томонидан жорий этилган иш ҳақи лойиҳаларининг умумий миқдори 6080 тани ташкил этади.

Албатта, ҳар қандай банк жамоаси юқори кўрсаткичларга эришишни истайди. Бунинг учун доимий ривожланишга тайёр бўлиш, мижозларга янгиликларни таклиф этиб, хизматлар доирасини кенгайтириб бориш талаб қилинади.



Карточкалар чиқариш ҳамда улар бўйича тўловлар қабул қилинадиган инфратузилмани такомиллаштириш билан бир қаторда, карточкадан фойдаланувчилар учун қўшимча хизматлар таклиф этиш ҳам тобора ривожланиб бораяпти. Кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш, банкоматлар ва банк кассаларидан нақд пул олишдан ташқари, мижозлар барча коммунал, мобиль алоқа ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаш имкониятига ҳам эгадирлар. Карточкалар бўйича тўловларни қабул қилиш учун жорий йилда Миллий банк томонидан инфокиосклар ўрнатилди. Жорий йил бошидан буён жисмоний шахслардан қабул қилинган тўловлар ҳажми 75 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўпдир.

Бундан ташқари, ўтган йили "Ўзмиллийбанк" тижорат банклари орасида биринчи бўлиб сўм пластик карточкалари бўйича мутлақо янги хизмат турини жорий этди. "DUET Online" деб номланувчи бу хизмат мижозларга уларнинг уйлари ёки офисларидаги шахсий компьютерларидан Интернетга кириб, ўз карточка ҳисобварақлари билан операциялар бажариш имконини беради. Яъни, бунда банк мижозлари молия муассасасига бормасдан, ҳисобварақларидан пластик карточкага маблағларни тушириш ва савдо картасини инкассация қилишлари мумкин. "DUET Online" тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, банк томонидан унинг янги тури жорий этилди. Ушбу тур банк билан тегишли шартномалар тузган тўлов олувчиларга ҳисобварақлардан пул ўтказиш имконини беради.

### Молия муассасаларида

Республика аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини режа бўйича кенгайтира бошлаган Миллий банк аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасидаги пешқадамликни сақлаб турибди. Молия хизматлари бозорининг ушбу жабҳасини ўзлаштиришда банк чакана мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган молия муассасалари орасида етакчилардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматимизнинг доимий ва аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари шарофати билан ҳозирги кунда аҳоли банкларга ишониб топширган маблағлар тугал сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишининг ишончли кафолатлари яратилган. Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ этиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш, омонатчиларнинг манфаатлари муҳофаза этилишини кучайтириш, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари банклардаги депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида кейинги йилларда бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ана шу ҳужжатлар молия муассасаларининг бу йўналишдаги вазифаларни бажариш, банкка мурожаат қилаётган фуқароларнинг хоҳиш-истакларини тўлиқроқ қондириш борасидаги имкониятларини янада кенгайтирди.

Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган тартибга мувофиқ, омонатларнинг миқдорларидан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тегишли қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланган.

Уни бажариш мақсадида Миллий банк узоқ муддатли депозитлар бўйича фоиз сиёсатини қайта кўриб чиқди. 2009 йил учун жисмоний шахсларнинг бир йилдан ортиқ муддат сақланадиган депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг янги энг паст даражаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги такрор молиялаш ставкасига нисбатан камида 150 фоиз миқдорида белгиланди.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида сиёсат юритишда банк мижозлар базасининг қанчалик диверсификацияланганига таянади, рақобатбардош ставкаларни белгилаш ва уларнинг реал ифодадаги ҳажмини ижобий даражада сақлаб туриш, мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни йўлга қўйиш орқали уларнинг манфаатларини ҳисобга олади. Шу йил бошидан буён 28 та янги депозит тури ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Улардан 5 тасининг депозит бўйича пул маблағларини сақлаш муддатлари бир йилдан ортиқ қилиб белгиланган.

Омонатчиларга хорижий валютани бошқасига нақдсиз алмаштириш бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш мақсадида, банк АҚШ доллари, евро ва Англия фунт стерлингидаги "Имтиёз" муддатли мультивалюта омонатини амалга киритди. Сақлаш муддати 13 ой ва фоиз ставкаси йиллик 10 фоиз қилиб белгиланган ушбу омонатдан фойдаланувчиларга омонат қолдиғини юқорида кўрсатилган уч хил валютанинг исталган бирига конвертациялаш имконияти берилади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли орасида фоиз ставкаси қатъий белгиланган, катта даромад келтирадиган, қўшимча бадаллар киритиш ҳамда фоизларни йўқотмасдан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш имконини берувчи омонатларга, айниқса, талаб катта.

"Ўзмиллийбанк" ишончли ва ўз фоиз сиёсатини изчил юритувчи банк муассасаси сифатида обрў қозонганлиги, унга ўз мижозлари сонини тинимсиз кўпайтириб бориш имконини бераяпти. Шу йил бошидан буён ўз жамғармаларини Миллий банкка ишониб топширган омонатчилар сони 500 минг кишига кўпайиб, қарийб 2 миллион нафарни ташкил этди.

2009 йилнинг май-июль ойларида Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциацияси томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган "Омонатлар ва бизнес учун кредитлар" мавзуидаги кўргазма-семинарларда фаол қатнашди. Таъкидлаш жоиз, минтақаларда ўтказилаётган бундай тадбирлар тижорат банклари тақдим этаётган чакана хизматлар турларини кенг тарғиб этишгагина эмас, балки унга ташриф буюрувчилар орасида кичик сўровнома ўтказиш йўли билан банк хизматларига бўлган талабни ўрганиш имконини ҳам бермоқда.

Банклараро жўнатмалар, шунингдек, халқаро тизимлар орқали ўтказиладиган тезкор пул жўнатмалари бўйича операцияларни амалга ошириш омонат ҳисобварақлари очиш орқали жисмоний шахсларга кўрсатилаётган ва энг кўп талаб қилинаётган хизматлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда "Ўзмиллийбанк" "Western Union", "Migom", "Тезкор почта" ва "Азия Экспресс" тизимлари орқали, шу жумладан, "Contact", "Лидер" ва "Unistream" тизимлари вакил банклари тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор пул жўнатмаларини амалга ошираяпти. Масалан, фақат жорий йилнинг ўзида мижозларга хизмат кўрсатувчи 141 та пункт орқали умумий қиймати 171 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 236 мингдан зиёд операция бажарилди.

Банк жўнатмаларни қабул қилиш ва юбориш пунктларида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини доимий равишда яхшилаб бориб, хизматлар сифати аудити соҳасида "Western Union" компанияси томонидан ўтказилаётган дастурда "Барча тоифалар бўйича энг яхши пункт", "Амалда бажарилган пул жўнатмаларининг энг катта ҳажми", "Агентлик тармоғининг энг яхши менежменти" номинациялари бўйича бир неча бор ғолибликни қўлга киритган. Ушбу хизмат турига бўлган талабни ҳисобга олиб, Миллий банк "Тезкор почта", "BLIZKO" ва "MoneyGram" тизимлари орқали операциялар бажаришни бошлаш ниятида. Шерикларни танлашда у, аввало, жўнатмаларнинг хавфсизлиги, ишончлилиги, катта тезликда ўтиши ва мақбул қийматини ҳисобга олади.

Чакана хизматлар ривожланиши динамикаси бу хизматларга мижозлар орасида талаб катталигидан далолат бермоқда. Ўз омонатчилари фаровонлигини таъминлаш, уларга доимо кўмакдош бўлиш ва шу орқали мамлакат гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш учун "Ўзмиллийбанк" янада кенгроқ имкониятларга эга бўлиб бормоқда. Айни шу боис, Миллий банкнинг рамзи ҳаммага таниш ва бу логотип ҳамиша банк маҳсулотлари ҳамда хизматларининг юксак сифати ва ишончлилигини англатиб туради.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.** t

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Ерга ўхшайдиган сайёра

***Астрономлар биринчи марта Ерга ўхшайдиган сайёрани аниқлашга муваффақ бўлишди.***

У биздан қирқ ёруғлик йилига тенг масофада жойлашган бўлиб, ўз атмосфераси ва сувига эга экан. Сайёранинг вазни Ерга нисбатан олти баробарга оғирлиги, радиуси эса қарийб 2,7 марта катталиги айтилмоқда. Ушбу сайёра Чилидаги Ла Силла расадхонасининг 3,6 метрлик телескопи ёрдамида аниқланган.

### Товон пули ажратилади

***Ҳиндистоннинг Раджастан штатидаги Чамбал дарёси устида қурилаётган кўприк қулаб тушди.***



Натижада қарийб эллик киши ҳаётдан кўз юмди. Айтиб ўтиш керак, 2007 йил қурилиши бошланган мазкур иншоотда Жанубий Кореянинг "Hyundai Engineering & Construction Co" ва маҳаллий "Gammon India" компаниялари иш олиб бораётган эди. Ҳозирча воқеа сабаблари аниқ эмас. Ҳукумат ҳалок бўлганларнинг ҳар бирининг оиласига бир миллион юз минг рупийдан маблағ ажратилишини маълум қилган.

### Ишсизлик даражаси юқори

***Хориж оммавий ахборот воситаларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари камайиб бораётгани ҳақида хабарлар тарқатилаётган бўлса-да, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ишсизлик даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда.***

Якунланаётган йил давомида минтақа бозорларида талаб пасайиб кетган, давлатларнинг экспорт ҳажми камайган. Шу боис аксарият корхоналар иш жойларини қисқартиришга мажбур бўлганлар. Ҳозирга келиб Европа Иттифоқи ҳудудида ишсизлик даражасининг 9,3 фоизга етгани бунинг яққол тасдиғидир. Латвия ва Испанияда бу борадаги аҳвол бошқаларга нисбатан жиддийроқ экани қайд этилган.

### Хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаган

***Хитойнинг Шаньси музофотидаги кўмир конларидан бирида портлаш юз берди.***

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Оқибатда ўн икки нафар ишчи ҳалок бўлган, яна ўн олти нафари эса вайроналар остида қолиб кетган. Дастлабки тахминларга кўра, фалокат иш жараёнида белгиланган хавфсизлик қоидаларига амал қилинмагани туфайли келиб чиққан.

### Тамаки — умр заволи

***Тамаки чекиш туфайли дунё бўйича ҳар йили қарийб беш миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда.***

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида келтириб ўтилган. Афсуски, бу иллат домига тушаётганлар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Агарда ушбу вазиятнинг олдини олиш бўйича тезкор чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бориб, тамаки оқибатида қурбон бўлаётганлар сони йилига 8 миллион нафаргача етиши мумкин.

### Лойиҳа маъқулланди

***АҚШ Сенати мамлакат мудофаа вазирлигига 2010 йил учун бюджетдан 626 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллаган.***

Манбада келтирилишича, муҳокама жараёнида 88 сенатор бунга хайрихоҳлигини билдирган, 10 нафари қарши овоз берган. Шу тариқа келаси йили мазкур соҳага бериладиган маблағнинг 128 миллиард АҚШ доллари Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

### Шаҳар марказида хунрезлик

***"AFP" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Афина шаҳри марказида хунрезлик содир этилган.***



Портловчи қурилма мамлакатдаги энг йирик суғурта компанияларидан бири — "Ethniki Asfalistiki" биносида ҳаракатга келтирилган. Ҳозирча қурбонлар ва жароҳат олганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Шунингдек, мазкур қабиҳликни бирор бир гуруҳ ўз зиммасига олмагани айтилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
Товар сертифицирован
Форма оплаты — любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолиси ва меҳмонларини кириб келаётган

**2010**

йил билан табриклайди!

*Янги йил халқимиз орзиқиб кутадиган байрамлардан биридир. У қалбларга қувонч ва шодлик, эртанги порлоқ кунга умидворлик туйғуларини бахш этади.*

*Барчага мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз!*

## Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси

*Ўзбекистон халқини*

**Янги — 2010 йил**

*билан самимий муборакбод этади.*

*Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик боқий бўлишини тилайди.*

## Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Республика турк миллий маданият маркази жамоаси

кўп миллатли халқимизни, муҳтарам Юртбошимизни кириб келаётган

**Янги йил билан**

самимий муборакбод этиб, жаннатмонанд диёримиздаги тинчлик, осойишталик, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувлик ҳамиша барқарор бўлишини тилайди.

*Баркамол авлод йили бағрикенг халқимизга ва ҳар бир хонадонга бахту саодат, фаровонлик ҳамда тўкинлик олиб келсин.*

*Байрам кайфияти ва шукуҳи юртдошларимиз қалбини асло тарк этмасин!*

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компанияси бутун меҳмондўст ва меҳнатсевар Ўзбекистон элини Янги – 2010 йил билан самимий табриклайди!

**Янги – 2010 йил билан!**

Янги, Баркамол авлод йилида сизга бахт, омад, осойишталик ва файзу барака ҳамроҳ бўлсин!

# «Hi–TECH KABEL»

ЎЗБЕКИСТОН — БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ҳамда мамлакатимиз меҳмонларини кириб келаётган

2010

Янги йил

билан самимий муборакбод этади.

Баркамол авлод йили ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат ва тўкинлик олиб келсин. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз бунёдкорлик режаларингизнинг амалга ошишида кўмак берса, биз бундан мамнунмиз.

htk
hi-tech kabel



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган

# «Иффатли келин»

ўқув маркази жамоаси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган

Янги — 2010 йил

билан чин дилдан муборакбод этади!

Янги йил ҳар бир хонадонга сиҳат-саломатлик, тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат ва тўкинлик олиб келсин.



Янги йилингиз муборак бўлсин!



# «ALSKOM»

суғурта компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини

Янги — 2010 йил

билан самимий муборакбод этади!

Янги йил барчамизнинг дастурхонимизга тўкинлик, қут-барака, оилавий бахт ва қувонч келтирсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way



Тўловни бўлиб-бўлиб 1 йил давомида амалга ошириш мумкин.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

HYUNDAI Official Partner

Tel. (8-371) 250-11-11



Даволашда устувор муваффақият

NOBEL

ЯНГИ — 2010 ЙИЛИНГИЗ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ!



"NOBEL PHARMSANOAT" чет эл корхонаси 2000 йилда Туркиянинг "Nobel Ilaç San. ve Tic. A.Ş." фирмаси иштирокида барпо этилган бўлиб, Ўзбекистонда фармацевтика соҳасида юз фоиз чет эл сармояси асосида фаолият кўрсатаётган ягона дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи корхонадир.

Бугунги кунда "NOBEL PHARMSANOAT" 58 турда юқори сифатли дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг барча маҳсулотлари республиканинг етакчи даволаш муассасаларида синовлардан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қайд этилган, сертификатланган ва ишлаб чиқаришга рухсат берилган.

Ҳозир корхонада 200 дан зиёд юқори малакали мутахассис меҳнат қилаётир. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида фаолият кўрсатаётган тиббий вакиллар замонавий маркетинг усулларини қўллаган ҳолда, корхона маҳсулотлари ҳақида шифокорлар ва фармацевтларга атрофлича маълумот бермоқдалар.

Шу билан бирга, "NOBEL PHARMSANOAT" маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқда ва республиканинг миллий даромадига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

"NOBEL PHARMSANOAT" чет эл корхонаси ўлка фармацевтика бозорига замонавий дори воситаларини тақдим қилар экан, Ўзбекистон тиббиётига хизмат қилишдан мамнундир ҳамда тиббиётнинг тобора ортиб бораётган талабларига доимо мос фаолият кўрсатиш мақсадида азму қарорлидир.

100060, Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Т.Шевченко кўч., 23
Тел.: +(998 71) 256 13 60, 256 13 67
Факс: +(998 71) 236 01 22
E-mail: info@nobel.uz
Website: www.nobel.uz

13476/1122

# ЁРҚИН ЧИҚИШЛАР, ИЛҲОМБАХШ СОВРИНЛАР



«Келажак овози — 2009»

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" республика танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мана, бир неча йилдирки, ёшларимизнинг истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этишга хизмат қилиб келаётган мазкур танлов "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилмоқда.***

Юртимиз ёшларининг иқтидор ва қобилиятини муносиб рағбатлантиришга қаратилган ушбу кўрик-танлов нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётир. Мамлакатимизнинг энг олис туманларида истиқомат қилаётган кўплаб иқтидорли йигит-қизлар билим ва заковат кўригида қатнашиб, қобилиятларини намоён этишга интилмоқдалар. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан 63 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этган бу галги беллашув ҳам қизиқарли учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда ижодий мунозараларга бой бўлди. Ёшлар ижоди нуфузли санъат галереяларида намойиш этилиб, етук мутахассислар, элга таниқли ижодкорлар томонидан муносиб баҳоланди. Анъанавий ва амалий санъат, архитектура ва дизайн, ахборот коммуникацияси, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, шунингдек, адабиёт ва публицистика сингари йўналишларда ўн беш номинация бўйича беллашган йигит-қизлар орасидан 45 нафари якуний босқичда ғолибликни қўлга киритди.

— Бир ҳафта давом этган сўнгги босқичда ижодий изланишларимиз маҳсулини ҳайъат аъзолари эътиборига ҳавола қилдик, — дейди қорақалпоғистонлик Жонибек Пиязов. — Жиров-бахши боболаримдан олган сабоғим беллашув ғолиби бўлишимда асқотди. Танловда бобомдан мерос дўмбирамни чалиб, Алпомиш достонини куйладим. Фольклоршунос мутахассислар, устоз созанда ва ҳофизлар ижодимга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиб, ютуқ ва камчиликларим борасида холисона фикр билдиришганидан жуда ҳам хурсандман. Шу маънода айтишим мумкинки, "Келажак овози — 2009" танловида иштирок этиб, ғолиб бўлганлигим мени келгусида янада ғайрат билан ижод қилишга ундайди.

Фарғоналик ўн беш ёшли Лобар Имомалиева танловда анъанавий ва амалий санъат йўналиши бўйича энг иқтидорли иштирокчилардан бири, деб топилди. У устози — Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов саҳналаштирган "Пилла" рақсини ижро этиб, томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

— Уч ёшимдан рақс тўгарагига қатнайман, — дейди у. — Устозларим кўмагида "Тановар", "Лазги", "Доира", "Қўғирчоқ", "Хоразмча совға", "Пилла" каби элликка яқин рақсни ўргандим. Бугунги муваффақиятим шу пайтга қадар рақс санъатидан олган сабоқларим бесамар кетмаганлигини, астойдил интилсам, келажакда катта ютуқларни қўлга киритишим мумкинлигини исботлади. Биз, ёшлар яратилган беқиёс имкониятлардан унумли фойдаланиб, вақтимизни эзгу юмушларга сарф этишимиз, юртга наф келтирадиган ташаббуслар билан майдонга чиқишимиз керак. Шундагина Президентимизнинг юксак ишончини оқлаган, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз.

Танловнинг тантанали тақдирлаш маросимида ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

Тадбир

***Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида "Фахрийлар куйлаганда" деб номланган республика адабий-мусиқий санъат байрами бўлиб ўтди.***

## Фахрийлар куйлаганда

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Олтин мерос" халқаро жамғармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган фахрий санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

— Ушбу анжуманда иккинчи бор қатнашаяпман, — дейди Ислом ота Бобожонов. — Бундан икки йил аввал Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган санъат байрамида иштирок этиб, кўп йиллардан буён ижод қилиб келаётган санъаткор дўстлар билан дийдорлашиб, дилдан суҳбатлар қургандик. Бу галги анжуман ҳам миллий санъатимиз намуналарини халқимиз орасида янада кенг тарғиб этишга хизмат қилади, албатта.

Тадбир якунида термизлик Жамила Қосимова, карманалик Соҳиб Нуров, фарғоналик Муҳаммаджон Ашуров сингари санъаткорлар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нуржаҳон НИЁЗОВА.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ ВА МУРАББИЙИ

***Ўзбекистон футбол федерациясида йил якунларига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.***



Унда Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги энг яхши футболчиси ва мураббийи номлари эълон қилинди. Спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўровнома якунига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Пахтакор" клуби ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов мамлакатимизнинг энг яхши футболчиси, "Олмалиқ" жамоаси бош мураббийи Игорь Шквирин эса энг яхши мураббий, деб эътироф этилди.

Сўровномада қатнашган журналистларнинг 90 нафари Одил Аҳмедовни биринчи ўринга муносиб топишди. Якунда 329 очко тўплаган Одил "Бунёдкор"нинг бразилиялик легионери Ривалдодан 136 очкога ўзиб кетди. 2008 йилда бу футболчи Сервер Жепаровдан кичик фарқ билан ортда қолганди.

Ушбу мавсум "Пахтакор" сардори анча мазмунли ўйин намойиш этганлигини кўпчилик мутахассислар таъкидлаб ўтишяпти. Авваллари фақат рақиб ҳужумларини бартараф этиш билан шуғулланган О. Аҳмедов эндиликда жамоа ҳужумларини бошлаб бериш ва уларни якунлашда ҳам ўзини кўрсатмоқда.

Мураббийлар баҳсида Игорь Шквирин энг яқин таъқибчиси Виктор Кумиковни 227 очкога ортда қолдирди. Бу Шквириннинг мутлақо рақобатдан холи бўлган ҳолда ғалаба қозонганини англатиб турибди. Шу тариқа, яқин ўтмишнинг машҳур ҳужумчиси ҳам футболчи, ҳам мураббий сифатида Ўзбекистонда энг яхши, деб тан олинган биринчи спортчи сифатида тарихдан жой олди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# МОБИЛЬ АЛОҚА ВОСИТАСИ ОРҚАЛИ ИНТЕРНЕТ – ТЕЗКОР, ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ



***Бугунги кунда ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис ушбу тармоқ хизматидан фойдаланувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айни пайтга келиб эса Интернетга уланишнинг янада янги турлари жорий этилмоқда. Хусусан, ҳозиргача бу хизматдан анъанавий телефон тармоғи ва модем ёрдамида фойдаланиб келинаётган бўлса, эндиликда мобиль алоқа воситаси орқали ҳам боғланиш йўлга қўйилди.***

Эътироф этиш керак, мамлакатимиз мобиль алоқа бозорида етакчи компаниялардан бири саналган "XK Coscom" МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида "UCell" савдо белгиси остида хизмат кўрсатади) бу борада ўз мижозларига кўплаб қулайликларни яратмоқда. Жумладан, компания кўрсатаётган хизматлари қаторига абонентларига "GPRS/EDGE" ва 3G технологиялари асосида Интернетга мобиль алоқа воситаси орқали уланишни жорий этди. Бу "UCell" оператори абонентлари мазкур тармоқдан симсиз боғланиш имкониятига эгадир, деганидир.

Компания кўрсатаётган ушбу хизмат тури янада осонлаштирилди. Яъни, "UCell" тақдим этаётган "Қишки сюрприз" акциясида иштирок этиш орқали сиз ўзингиз ёки яқинларингизга қиш фаслининг охиригача ҳар ой давомида 2010 мегабайт ҳажмдаги Интернет трафигини совға қилишингиз мумкин.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, ушбу акцияга уланиш орқали ҳар бир абонент "UCell" томонидан 3G USB модеми ҳамда алоҳида SIM картага эга бўлади.

Хўш, USB модем нима ўзи? Бу абонентга мобиль алоқа тизими орқали Интернетга уланиш имкониятини берувчи кичик электрон жиҳоздир. Унинг қулайлиги шундаки, тармоққа боғланиш учун модем ёки сим талаб қилинмайди. USB модемни улагандан сўнг барча зарурий параметрлар компьютерга ўрнатилади. Фақатгина SIM картани модемга жойлаштириб, уни компьютернинг USB портига уласангиз бўлди. Биргина шу ҳаракат орқали сиз электрон почта, турли маълумотлар, хуллас, Интернет тармоғида мавжуд барча хизматлардан фойдаланишингиз мумкин.

Акцияга аъзо бўлиш қиймати атиги 150 000 сўм. Унинг амал қилиш муддати эса 2009 йил 16 декабрдан 2010 йил 15 январгача.

*Бундан ташқари, "UCell" ўз абонентларига янги "MEGA Интернет" пакетларини ҳам тақдим этади. Улар билан танишинг:*

| Пакетнинг номи | Уланиш қиймати ($) | Тақдим этилган трафик, MB | Амал қилиш муддати |
|---|---|---|---|
| MEGA 100 | 5 | 100 | 30 кун |
| MEGA 500 | 12 | 500 | 30 кун |
| MEGA 1000 | 18 | 1000 | 30 кун |
| MEGA 2500 | 25 | 2500 | 30 кун |
| MEGA 5000 | 45 | 5000 | 30 кун |
| MEGA Night | 14 | 1000 | 30 кун |

Тақдим этилган трафик миқдоридан ошган 1Мб қиймати — $0.08.

"MEGA" пакетлардан бирини ишлатиш учун ***555#** рақамини териб, чақириш тугмаси босилади. Кейин эса махсус меню ёрдамида пакетлардан бири активлаштирилади.

"UCell"нинг бу янги акция ва пакетлари ёрдамида Интернетга уланиш осон ҳамда қулайдир. Яъни, бу хизматлар орқали электрон хабарларни юбориш ва олиш, ўзингизга керакли сайтлардан фойдаланиш, ICQ ва бошқа мулоқот дастурлари орқали дўстлар билан суҳбатни хоҳлаган жойда ва пайтда амалга ошириш мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, ноутбук ёнингизда бўлса, сафар чоғида ҳам Интернет тармоғидан фойдалана оласиз. Бу эса кўп вақти сафарларда ўтадиган кишиларга жуда қўл келади!

Мазкур ва бошқа акция ҳамда хизматлар ҳақида батафсил маълумотни Интернетдаги **www.ucell.uz** сайтидан олишингиз мумкин.

**Беҳзод РАҲМАТОВ.** t






## ОБ-ҲАВО
(29 декабрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида, кундузи 4-9 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 1-3 даража илиқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***


ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS" CHTS
ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ
ҚОЗОНЛАРИ
ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ
Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди
Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.
E-mail: chts.uz@mail.ru
1130R/1453


# ҲУШЁРЛИК КУНДА КЕРАК

***Ўтаётган ҳар бир кун бизни Янги йилга яқинлаштирмоқда. Мазкур байрам арафасида хонадонларда, корхона ва ташкилотларда, жамоат жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, бошқа кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.***

Огоҳлик

Чунки Янги йил арафасида бозорларимизга пиротехника воситаларини олиб кириш ҳоллари кўпаймоқда. Оқибатда, байрам хурсандчилиги кўнгилхираликка айланаётганини, ҳамюртларимизга, айниқса, болаларга жиддий тан жароҳати етказилаётганини кўриб-билиб турибмиз. Шу боис Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда пиротехника воситаларини ҳудудларга ноқонуний равишда олиб кириш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича назорат ишларини кенгайтирмоқда.

Жорий йилнинг 17 декабрь куни вилоят давлат солиқ бошқармаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигида ўтказилган рейд давомида Жиззах шаҳрида яшовчи Нортожи Файзиеванинг хонадони кўздан кечирилганда, у 57600 дона хорижда ишлаб чиқарилган "Шрек" номли пиротехника воситасини сотиш мақсадида сақлаб келаётганлиги маълум бўлди. Шунингдек, шаҳарнинг Бобур маҳалласида истиқомат қилувчи Салима Маҳмудова ўз маҳалласида "хавфли ўйинчоқлар" сотаётганлиги аниқланди. Бундай эгри ишлар билан шуғулланаётган Дилфуза Ғофиржонова, Санобар Жўраеванинг фаолияти ҳам солиқ идоралари томонидан ўз вақтида тўхтатиб қолинди. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга жўнатилди.

Кишини мулоҳазага чорлайдиган жиҳати шундаки, ушбу пиротехника воситалари фарзандларимиз қўлига тушса, байрам тадбирларида қўлланилса, бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмайди, деб ким кафолат бера олади. Шу маънода айтганда, байрам шукуҳига соя туширмайлик. Барчамиз бир-биримизга яқиндан ёрдам бериб, бу каби ноқонуний ҳолатлар устидан жамоатчилик назоратини олиб борайлик. Зеро, бу ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Мансур СУЛТОНОВ,**
**Жиззах вилояти ДСБ бошлиғи ўринбосари.**


«Botiometrik markaz» давлат унитар корхонаси
2010 йилнинг I чорагида қуйидаги ишлар бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ БУЛУНҒУР ҲАМДА ЖОМБОЙ ТУМАНЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ТУМАНЛАРАРО БАД-БАД КАНАЛИНИНГ ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ.
Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур кўчаси, 1-уй. Мўлжал — «Динамо» дўкони рўпараси. Телефонлар: (8-371) 241-42-41, 241-37-51. Факс: (8-371) 241-14-92.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 10 январь соат 17.00 гача.
1381Н/1808

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ
ПОД ЗАКАЗ
182-62-17,
378-78-07,
441-85-46,
235-47-43.



Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 02.00
1 2 3 5